

## ИШЛАРНИНГ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ ТҮҒРИСИДА

Термиз туманлараро иқтисодий судининг раиси  
**Жумаев Диёр Бозорович**

Ҳар бир шахсга ўз хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқи кафолатланган. Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган хуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Иқтисодий судларга қуйидаги ишлар тааллуқлидир:

- иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилаётганда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа хуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар;
- иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг хуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён матнда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;
- тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар;
- ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;
- арбитраж муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;
- корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно;
- инвестициявий низолар бўйича ишлар;
- рақобатга оид ишлар;
- чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги.

Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, судга тааллуқли бўлади.

Қонун билан судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд ўзига тааллуқли ишларни тадбиркорлик

фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари, шунингдек чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 26 апрелда имзоланган “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари хуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-833-сон Конунга мувофиқ, иқтисодий судга киритилган даъво аризаси бўйича тааллуқлилик қоидалари бузилган тақдирда, мазкур даъво аризаси суд томонидан фуқаролик ёки маъмурий судга юборилиши мумкин.

Шунингдек, бундан буён ўзаро боғлиқ бўлган, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, давлат ижроининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят маъмурий судга ёхуд бўйсунув тартибида юкори турувчи органга, мансабдор шахсга берилади (*илгари иқтисодий суд билан боғлиқ бўлган ижро ишлари бўйича шикоятлар иқтисодий судда кўриб чиқилган*).